



Kuch — adolatda

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

✱ 1995 yil 22 fevraldan chiqarib boshlagan ✱ 2002 yil 28 iyun ✱ juma ✱ № 25 (364) ✱ sotuvda erkin narxda ✱

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Авваламбор, сизларни бугунги кутлуг байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун биз матбуотчилар кунини, шу соҳага алоқадор бўлган барча касб эгаларининг байрамини нишонлар эканмиз, бу борада эришган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган ўта муҳим масалалар тўғрисида, уларни ҳал этиш йўлида қўйётган қадамларимиз ҳақида очиқчасига фикрлашиб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу муаммоларнинг муҳимлиги шундаки, улар бизнинг бугунги ҳаётимиз ва келажгимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, мамлакатимизнинг ҳалқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шулар қаторида энг долзарб вазифа — жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги таъминини тўла татбиқ этиш, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга етиб боришдан иборатдир.

Ана шундай юксак марраларга эришиш учун кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қарорлар ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш бора-бора кўп ишлар қилинган ва қилинмоқда.

Лекин, ҳолисона тан олишимиз керак — бу борада амалга оширилган тадбирларга нисбатан ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз талабгина.

Бу тўғрисида гапирганда, бир ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак: бугунги кунда бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениемизда кўпроқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, эришган ютуқларимизни акс эттириш кўзга ташланади. Бунинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳеч ким рад этолмайди, албатта.

Аммо, кўлга киритган марралар билан бир қаторда қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва ҳуқуқлар, йўл қўйлаётган камчилик ва нақарлар мавжудлиги ҳақида гапиршиш ортқича бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунишга ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздан ўзига ўрин топпаётми? Бугун масалани мана шу тарафда қўйиш вақти етди, деб ўйлайман.

Ҳеч кимга сир эмас — бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири — яқка мафкура ҳукм сурган мустабид тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб кетган асорат ва таъсирлари, оёғимизда кишан бўлиб турган, ҳали-вери ўз кучини сақлаб келаётган эскича қарашлардир.

Ҳозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлар таъсиридан ҳалос бўлишни, воз кечишни талаб қилиб, бонг урмоқда.

Халқимизнинг тафаккури ва сиёсий савияси, маданияти тобора ўсиб, жамиятимизда соғлом қарашлар мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда, одамларимиз қанча-қанча машаққатли

синовларни, суронли кунларни бошидан ўтказиб, оқни — оқ, қорани — қора деб ажратиш учун етарли тажрибага эга бўлган бир пайтда, ҳеч шубҳа йўқки, ҳаётимизда мавжуд бўлган бошқа фикр ва қарашларни ҳам матбуотимиз саҳифаларида, телевидение экранларида, эфир тўлиқларида акс эттириш ва улардан тегишли хулоса чиқариш вақти келди, деб айтсак, айна мундоо бўлади.

Ҳаммамиз шунини чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил ҳуфна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозлардан фойдаланмасдан, одамлар ҳолиси маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф қўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пинҳона хатти-ҳаракатлар учун ҳеч қандай асос қолмайди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисиқлик муҳити ҳукмрон бўлади.

Чунки ютуқни — ютуқ, камчиликни — камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Яна такрорлаб айтсам, бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир.

Аммо бу вазифани ечишда, аввало, матбуотчилар, журналистлар ташаббускор бўлиши, бу гоят муҳим масалани доимо диққат марказида тутиши зарур, деб ўйлайман.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, журналистларимизнинг мураккаб ва машаққатли меҳнатини эътибор этган ҳолда, уларнинг катта билим, тажриба ва малака талаб қиладиган шарофати касби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни уриниб, деб биламан.

Чунки доимо эл-юрт дарду ташвишлари билан яшаш, адолат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши, жамиятимизда, ҳаётимизда ураб турадиган мансабдорларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилиши, тўрачилик, беғамлик, лоқайдлик ва бепарволик ҳолатларига қарши курашиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келмайди.

Сиёсат ҳақида гапирганда — сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида — иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар ҳуқусида файласуф бўлиб баҳса қиришишни — мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлиши ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Мен халқимизнинг азалий оруз-умидлари, асрлар давомида интилиб келган эзгу мақсадлари рўёбга чиқаётган ҳозирги кунларда юрт тинчлиги, Ватан раънақи, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишда жонқур ва фидойи журналистларимиз жамиятимизнинг суянчи ва таянчи бўладилар, деб қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги байрамингиз билан ана бир бор кутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, иходий ютуқлар, омад ва бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Дехқон ерга чигит қадар экан унга бугун умидини боғлайди. Тўғрида, юрт раънақи, оила фаровонлиги, дастурхон тўқинлиги замин саховатида боғлиқ бўлганда сўнг умид қилмасинми?

Оллаёр Пирлиев ер билан тиллашиб меҳнат қилаётгани ва ҳалол меҳнати сабаб эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозонаётган дехқон. Бугунги кунда у меҳнат қилаётган Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалигини Сурхондарё вилоятида билмайдиган одам бўлмаса керак. Сабаби, хўжалик пиллачилиқда

ҳам, ғаллачилигу пахтачиликда ҳам дондор хўжаликлар сирасига қиради. Хўжаликда иқтисодий ислохотлар тўғри амалга оширилаётгани боис дехқоннинг омонори бўғдойга, чўмичи мойга тўла. Айна кунларини меҳр билан парваришлайтирлар. Мақсад — ҳар гектар ердан 50 центнерлик иппак пахта хирмонини бунёд этиш.

СУРАТДА: Оллаёр Пирлиев ўзга низолаҳига оби ҳаёт тараётган пайти акс эттирилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик таъминларни шакллантиришдек улғурвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғулликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланаётди. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужасамдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги сўлим ботида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда журналистлар ва матбаачилар, турли вазирлик, қўмита, муассаса, идоралар вакиллари, газетхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига таърифини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Байрамда сўзга чиққанлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари

мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.


Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни янада кучайтириш, улар саҳифасидан жамиятдаги мавжуд турлича қарашларга кенг ўрин бериш, ҳаёт-ўзгаришларини ҳолис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш бора-бора фикрлари республика қалам аҳлини янги ижодий изланишларга даъват этади. Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва кўлаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти — 2001» танловининг ғолиби ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Таникли санъаткорларнинг катта концерт дастури байрамга ўзгача фойз ва шукў бағишлади. Тадбир доирасида журналистлар ўртасида турли мусобакалар бўлиб ўтди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

ҚУЛАЙ ВА МАНФААТЛИ

Сўнгги вақтларда мамлакат тижорат банклари ичда ўзининг активлари, капитали миқдори ҳамда бажарётган амаллари доирасининг кенглиги билан йирик банклар



қаторидан ўрин олган РАТБ «Ғаллабанк» аҳоли омонатларини жалб қилишни кўпайтириб бормоқда. Аҳоли бўш пул маблағларининг банк депозитларига жалб қилиниши биринчидан, банкнинг қўшимча молиявий маблағларга муқтож миқозларни кредитлаш учун зарур бўлган ресурс базасини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан нақд пул оборотини самарали ташкил этиш имконини бормоқда.

Банк томонидан аҳоли бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилишни кўпайтириш ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш бора-борада чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا биноан берилган имтиёزلардан самарали фойдаланиш мақсадида аввал амалда бўлган омонат турларига қўшимча тарзда аҳолига янада қулай, икки томонлама манфаатли бўлган 10 дан ортқ омонат турлари қўшимча тарзда жорий этилди: Жумладан, «Нуроний» — ҳар икки ойда 7,5 фоиздан даромад тўланади, сақлаш муддати — 1 йил.

«Имконият» — 6 ой ва 1 йил муддатга, даромад йиллик 45 фоиздан келиб чиқиб тўланади.

«Талаба-контракт» — даромад йиллик 42 фоиздан келиб чиқиб тўланади, сақлаш муддати камида 6 ой.

«Ният» — 10 кундан кам бўлмаган муддатга қабул қилиниб, даромад йиллик 48 фоиздан келиб чиқиб тўланади.

Шунинг билан бирга, аҳолига коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашларини рағбатлантириш мақсадида йиллик 48 фоиз даромад тўлаш шарти билан «Коммунал тўлов» жамғармали омонат тури жорий этилган бўлиб, ушбу омонат тури аҳолига маъқул бўлмоқда.

Ушбу йўналишда олиб борилган савий-ҳаракатлар натижасига кўра банк филиаллари томонидан 2002 йил 1 январь ҳолатига 21655 нафар омонатчиларнинг 1121,6 миллион сўмлик вақтинча пул маблағларини мавжуд омонат турларига қабул қилинган бўлса, 2002 йил 1 июнь ҳолатига омонатлар қолдиги 1773,2 миллион сўмга етди ёки йил бошига нисбатан 651,6 миллион сўмга ошди.

Аҳоли қўлидаги вақтинча бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб этишда банк томонидан муомалага чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозлардан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Жумладан, 2001 йилда дастлабки муомалага чиқарилган 50,0 миллион сўмлик депозит сертификатлари аҳоли ўртасида тўла жойлаштирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойда II-чи эмиссия сифатида 100,0 миллион сўмлик депозит сертификатлари чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 75,0 миллион сўмини жойлаштиришга эришилди.

Албатта, бу борада ишларнинг самарали ташкил этилишига банкнинг жойлардаги 30 та филиаллари қатори, 63 та жамғарма шохбобчалари, узоқ туманлардаги хўжаликлар ҳудудига жойлашган 20 дан ортқ мини-банклар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» мухбири.

«ҚАЛАМ ТУТГАН ҚЎЛЛАРИНГИЗ АСЛО ТОЛМАСИН!»



— Журналистлар учун эшикларимиз ҳамيشа очик, — дейди Самарқанд тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Раҳима Ҳақимова. — Чунки улар жамиятнинг зийрак нигоҳлари, қайноқ ва тоза виждони. Ва, яна мамлакатдаги иқтисодий юксалишлар демократик ислохотларга боғлиқ экан, матбуотчилар бу муҳим вазифани ундашда энг катта куч бўлиб қолаверишади.

Барча нашрлар орасида «Адолат»га ихлосим баланд. Муштариларга доимо дадил сўзларини айта оладиган, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишга ундайдиган журъатли рўнома. Шу боис туманимизда «Адолат» газетаси кириб бормасан қорхона, ташкилот ва хонадонлар қолмаган ҳисоб.

Матбуотчилар байрами муносабати билан газетангиз ижодий жамоасини, барча журналистларни чин дилдан муборакбод этаман. Адолат ва ҳақиқат учун курашда қалам тутган қўлларингиз асло толмасин!

ЛОҚАЙДЛИК — «ҚОРА РАҚАМЛАР»НИ КЎПАЙТИРАДИ...

Фойз, Қашқадарё вилоятида 4,8 фойз, Тошкент вилоятида эса 3,9 фойзни ташкил этди. Келтирилган рақамлар бир қараганда ҳеч нарсани аңлатмайди. Ваҳоланки, шу «қора рақамлар» йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ҳалок бўлганлар сони республика миқёсида 8,9 фойзга ошганини таъкидлайди. Кейинги пайтларда пидедалар айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 15,8 фойзга камайишига эришилган, аммо ҳодисаларда ҳалок бўлганларнинг сони 7,1 фойзга ошиб кетганлиги ҳар бир содир этилаётган ҳодисаларнинг

ни айблай олмаймиз. Чунки баъзи ҳудудларда йўлларнинг ҳолати талаб даражасида эмаслиги, чиқоқлар ўрнатилмаганлиги, пидедалар йўлакчалари, ер ости йўлларининг мавжуд эмаслиги, зарур жойларда светофор ва йўл белгиларининг ўрнатилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

ИИБ ДИХХ томонидан фуқароларимизнинг ҳаётини сақлаб қолиш, улар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тарафидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Тадбирни бевосита халқ ичидан даъват қилиш учун «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда фаол иш олиб борилапти. «Ўзав-

мақсадида республика ҳудудида «Диққат: Пидеда!» тадбири ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган. ДИХХ асосий хизмат йўналишларидан бири ҳайдовчиларда автоуловларни бошқариш маданиятини

тойўл» концерни, «Ўзбекистон темир йўллари» тадбири ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган. ДИХХ асосий хизмат йўналишларидан бири ҳайдовчиларда автоуловларни бошқариш маданиятини

Шунингдек, фуқароларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ва уларни назорат қилиш учун автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, халқ посбонлари, тиббий ҳодимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокда махсус гуруҳлар тўзилиб, рейдлар ўтказиш режалаштирилган. Айниқса, ёзи таштил даврида болаларимизнинг тинч дам олишлари, уларни соғ-саломат оиласига қайтариш учун оромгоҳларда болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ишларига катта аҳамият берилиши лозим.

Ўйлаймизки, бундай долзарб масалага эътибор билан қараш фақатгина ДИХХ ходимларининг вазифаси деб қарамасдан, барчамиз масъулият билан ёндошсак, фуқароларимиз тинчлиги, оёқ-қўли талиги ва энг муҳими, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

(Давоми бор).

Босишга топширилди 20.00.